

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2022 йил “30” март даги
3 -сонли баённомаси билан

Йиғилиш раиси



_____ **Ф. Нурғалиев**

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига киритилган
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “18” март даги
30 -сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси

A blue ink handwritten signature of O. Isaev.

_____ **О. Исаков**

Бошқарувининг
2022 йил “18” март даги
224 -сонли қарори билан

Бошқарув раиси

A blue ink handwritten signature of O. Butayev.

_____ **О. Бутаев**

Тошкент – 2022 йил

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
“Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига киритилган
ўзгартишлар ва қўшимчалар**

1. Низомнинг 1.2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган”.

2. Низомнинг 1-боби қуйидаги мазмундаги 1.14-банд билан тўлдирилсин:

“1.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади”.

**3. Низомнинг 2.1-банди “ц”- кичик банди:
бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
олтинчи-тўққизинчи хатбошилари тегишинча бешинчи-
саккизинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.**

4. Низомнинг 2.9-2.18-бандлари тегишинча 2.2-2.11-бандлари деб ҳисоблансин.

5. Низомнинг 2.3-банди учинчи хатбошичи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш”.

6. Низомнинг 3.10-бандидаги “паспортига оид маълумотлар” деган сўзлар “паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Низомнинг 4.1-банди қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартибини”.



8. Низомнинг 4.3-банди қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби”.

9. Низомнинг 7.10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади”.

10. Низом матнидаги “қонун ҳужжатларида”, “қонун ҳужжатларига” ва “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар тегишинча “қонунчиликда”, “қонунчиликка” ва “қонунчилик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

